

---

# ҚУВАСОЙ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

« 20 » декабрь 2019 йил

3996-сон

Қувасой шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 декабрдаги ПФ-5892-сонли Фармони ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги ПФ-5892-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида;

## ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги ПФ-5892-сонли Фармони ҳамда вилоят ҳокимининг 2019 йил 16 декабрдаги 420-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони билан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим ҳужжатлари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

1. Шаҳар ҳокимининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармонида шаҳар бошқарма, бўлим ва ташкилотлари, ўзларининг идоравий меъёрий ҳужжатларини мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.
3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Шаҳар ҳокими**

**А.Зиявитдинов**

2019-12-28 16:15:05